

## ЁШЛАРДА ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНИШИ МАСАЛАСИ

*Сулаймонов Махмуджон Шухратбекович*

*Андижон давлат педагогика институти эркин изланувчиси.*

**Аннотация:** Ёшларда фуқаролик позицияси шакллантирилиши учун ийлар давомида мақсадли ва тизимли ишлар амалга оширилиши керак бўлади, фуқаролик позицияси шахснинг дунёқараши ва маданияти билан боғлиқ жараён хисобланади. Тезисда ёшларда фуқаролик позициясини шаклланиши масаласи муҳокама қилинди.

**Калит сўзлар:** Ёшларда фуқаролик позицияси, жамият, табиий офат, жамоатчилик, халқ, миллат.

Фуқаролик позициясини шаклланиши ва ривожланиши жараёни мураккаб ижтимоий ҳодиса. Одатда жамият аъзоларининг ижтимоий масъулияти ва фуқаролик позицияси мураккаб даврларда – урушлар, иқтисодий қийинчилик ёки табиий ва техноген офатлар шароитида яққол намоён бўлади. Чунки, бирдамлик ҳисси, Ватан ва халқ олдидағи масъулияти айнан ўз мамлакати билан маънавий моддий уйғунлик масаласи ана шундай инқироз шароитида юзага чиқиши керак. Агар мана шундай шароитда ўзаро бирдамлик намоён бўлмас экан, фуқаролик позициясини шакллантириш билан боғлиқ муаммолар яққол кўзга ташланиб қолади.

Ковид -2019 пандемиясининг асоратларини ҳали енгиб улгурмаган Ўзбекистон халқининг бошига 2020 йилнинг 1 май куни яна бир офат келди. Сирдарё вилоятида барпо этилган сунъий сув иншоати – Сардоба сув омбори сув қўпайиши ва бошқа бир қатор техник омиллар сабаб ўпирилишга учради. Оқибатда қатор вилоятлар ва Қозоғистоннинг чегарадош туманлари сув остида қолди. Табиий офат оқибатларини батараф этиш учун мамлакат раҳбарияти билан биргаликда жамоатчилик вакиллари, фуқаролик позицияси

кучли бўлган минглаб инсонлар ўз кундалик ишларини ташлаб Сирдарёликларга ёрдамга шошилди. Ана шу воқеларни ёритиш ва таҳлил қилиш масаласида албатта бир томонлама ёндашув кузатилиши мумкин. Ўзбекистонликларга ўз ҳатти-ҳаракатлари идеал туюлиши ва гўёки бутун мамлакат бирлашди деган даво билан чиқиши ҳам мумкин. Аммо, айrim ҳалқаро ташкилотлар ва воқеаларни объектив ёритадиган ахборот агентликлари бу борадаги фуқаролик позициясини намоён бўлишини яққол кўрсатиб берди. Мисол учун, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси 2020 йил 3 май куни берган хабарида шундай ёzádi: “Воқеа юз берган куннинг ўзида Жиззах, Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Қашқадарё, Андижон, Сурхондарё ва бошқа вилоятлардан Сирдарёга иссиқ кийим-бош, кўрпа-тўшак ва турли озиқ-овқат маҳсулотлари юклangan кўмак карvonлари кетма-кет етиб келди. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши сессиясида Сардоба аҳлига кўмаклашиш хайрия жамғармасига Самарқанд вилояти бюджетининг 2020 йил биринчи чоракдаги даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисмидан 5 миллиард сўм пул кўчириш таклифи ўртага ташланди ва бу таклиф депутатлар томонидан маъқулланди.”

Сардоба фоежасидан жабр кўрганларга ёрдам бериш жараёни умуммиллий ҳаракатга айланиб кетди ва бутун жамоатчилик пул маблағларини йиғиш, кийим-кечак ва озиқ овқат, дори-дармон тўплаш акциясида фаол иштирок этди. Шу билан биргаликда вақтинча кўчириб келтирилганларни ўз хонадонига қабул қилиш, уларни бошпана билан таъминлаш ишлари ҳам умуммиллий ҳаракатга айланиб кетди. Бу эса ўзбек халқи юксак даражада сиёсийлашмаган, ҳуқуқий маданияти тўлиқ шаклланмаган бўлсада зарур вақтларда миллат сифатида бирлаша олиши, энг юксак мақсадлар учун ўз ресурсларини сарфлашга тайёр эканининг яққол далилидир. Худдий шундай бирдамли 2010 йилнинг июнь ойида Қирғизистон Республикасидан қочиб ўтганларга бошпана бериш билан боғлиқ жараёнда ҳам яққол намоён бўлган эди. “2010 йилга келиб, мустақил Ўзбекистоннинг Президенти Ислом Каримовнинг ўзи бундай сиёсий имтиҳондан ўтишига

тўғри келди. Қирғизистоннинг жанубида қирғинга учраган ўзбек миллатининг 100 минглаб вакили Ўзбекистон томонга қочиб ўтган. Ўзбекистоннинг ўша вактдаги Ҳукумати улар учун Андижон вилоятида вақтинчалик маҳсус лагерлар ташкил қилган, яшаш учун керакли бўлган барча бирламчи манбалар билан таъминлаган.” Бундай бирдамлик қарама қарши томонларни низолашиш жараёнидан тўхташида катта омил бўлиб хизмат қилган эди. Миллионлаб Ўзбекистонликларнинг Қирғизистонда истиқомат қиласидиган этник ўзбекларга кўрсатган ғамхўрлиги ва ҳимояси агресив миллатчиларни ҳатти-ҳаракатларига танқидий баҳо беришга, қон тўкилишини тўхтатишига олиб келди. Фуқаролик позициясининг қатъий намоён бўлиши, ижтимоий масъулият ва бирдамлик ҳар доим ҳам мана шундай мураккаб шароитда душман томонга ўз ҳатти-ҳаракатларини етти ўлчаб бир кесишига ундейдиган энг асосий кучлардан биридир. Шу сабабли ҳам қадим қадимдан жамотчиликни фикри, фуқароларнинг фаоллиги ва масъулияти маҳсус хизматларнинг диққат марказидан бўлиб келаётган масалалардан биридир.

Ижтимоий консолидация масаласи давлат ва жамият ҳаётининг инқирозли қунларида инсон организмида зўриқканда адреналин гармони қандай таъсир қиласа шундай кучга эга бўлган омиллардан биридир. Адреналин сабаб инсон ногаҳоний хавф-ҳатар олдида катта бир кучга эга бўлади, ҳеч қачон намоён бўлмаган ички энергияси тошиб ташқарига чиқади ва шу сабабли ҳам ўз жонини сақлаб қолиш учун ҳаракат қиласиди. Шу нуқтаи назардан давлат ва жамият олдида ҳам мана шундай хавф-ҳатар бўлганда ўзининг ички энергияси портлаб ташқарига чиқиши керак. Бунинг учун эса жамият аъзоларининг фуқаролик позицияси шакллантирилиши учун йилларда давомида тизимли ишлар амалга оширилиши керак бўлади. 2022 йилда Россия Федерациясининг Украина давлатига бостириб кириши натижасида иккита тўлқинда – феврал-март ойларида ва сентябр-октябр ойларида Россияликликларни уруш ҳаракатларида иштирок этишдан қочиб мамлакатни тарк этиши қузатилди. Маълумотларга қараганда ана шу вактда 800 мингдан ортиқ Россияликлар ўз ватанини тарк этишган. Албатта, бундай

жараённи аҳлоқий томонлари жуда баҳсли бўлиб кимдир қон тўзилишига қарши эканини маълум қилса, уларнинг оппонентлари мамлакатни оғир аҳволда ташлаб кетишда айладилар. Бизнинг фикримизча, бу мамлакатда амалга ошириладиган ёшлар сиёсати билан боғлиқ масаладир. Россия давлати узоқ йиллар ғарб маданиятига мўлжал олган либерал сиёсатни қўллаб келди. Ғарб давлатлари билан алоқаларни мустаҳкамлашга интилди. Ижтимоий онгда ҳам ғарб либерал-демократияси элементлари шаклланиб улгур эди. Мана шундай шароитда Россиянинг амалда ғарб давлатларига қарши уруш эълон қилиш либерал кайфиятдаги ёшларга ёқмагани аниқ. Ана шу воқеалардан кейин ҳукумат болалар ва ёшларнинг фуқаролик позициясини кучайтириш бўйича қонун, фармон ва қарорлар қабул қилди. Умуммиллий ҳаракатлар ташкил этди.

## АДАБИЁТЛАР

- 1.<https://www.un.int/uzbekistan/news/> - Сирдарёда сув тошқини – Ўзбекистон халқи оғатга қарши бирдам ва бардам курашмоқда.
- 2.<https://qalampir.uz/news/ush-vok-ealari-ikki-millatni-urush-yek-asi-ga-olib-kelgan-nizoda-karimov-k-anday-yul-tutgan-40575> - “Ўш воқеалари”га 11 йил: икки миллатни “уруш ёқаси”га олиб келган низода Каримов қандай йўл тутган?
3. <https://thebell.io/skolko-rossiyan-v-2022-godu-uekhalo-iz-strany-i-ne-vernulos> - Сколько россиян в 2022 году уехало из страны и не вернулось.